

“APPROVED BY”
Decision of 2nd Supervisory
Board Meeting dd. 25.04.2025




Seo, In Won
Chairman of Supervisory
Board

“ТАСДИҚЛАНГАН”
Банк Кузатув кенгашининг
25.04.2025
2-сонли мажлисига
мувофиқ



ANTI-CORRUPTION POLICY
/
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ

I. ABBREVIATIONS / ҚИСКАРТМАЛАР	
Bank / Банк	"KDB Bank Uzbekistan" JSC / "ҚДБ Банк Ўзбекистон" АЖ
CBU / ЎзРМБ	Central Bank of Uzbekistan / Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки
II. DOCUMENT IDENTIFICATION / ҲУЖЖАТЛАР ИДЕНТИФИКАЦИЯСИ:	
Document owner / Ҳужжат эгаси:	Compliance Department / Комплаиенс бошқармаси Sanctions and Anti-Corruption Compliance Part / Санкциявий комплаиенс ва Коррупцияга қарши курашиш бўлини
Document author / Ҳужжат муаллифи:	Diloram Akramova Head of Department / Бошқарма бошлиғи Bekhzod Makhamadaliev Санкциявий комплаиенс ва Коррупцияга қарши курашиш бўлини бошлиғи
Document author signature / Ҳужжат муаллифи имзоси:	
Business Location / Манзил:	3, Bukhoro Str., 100047, Tashkent / Тошкент, Бухоро кўчаси 3, 100047.
Document status / Ҳужжат мақоми:	Final approved version / Тасдиқланган нусха
Document classification / Ҳужжат таснифи:	Company Confidential, Wide internal usage / Банк сири, хизмат доирасида фойдаланиш учун
Document Directory path / Ҳужжат жойлашуви:	X:\НО_SHARED_DOCUMENTS\Internal acts\New Versions\Compliance Department
III. ASSOCIATED INTERNAL POLICIES AND EXTERNAL REGULATIONS / ТЕГИШЛИ ИЧКИ ҚОИДАЛАР ВА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:	
1. Law of the Republic of Uzbekistan "On Banks and Banking" (New edition) / Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири).	
2. Law of the Republic of Uzbekistan "On Combatting against corruption" / Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни.	
3. Law of the Republic of Uzbekistan "On Joint-Stock companies and protection of shareholders' rights" (New edition) / Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири).	

4. Law of the Republic of Uzbekistan “On conflict of interests” / Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни.

5. Regulation “On corporate management in commercial banks” registered by Ministry of Justice #3254 dd 30.06.2020 / “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом (Адлия вазирлиги томонидан 30.06.2020 й. 3254-сон билан рўйхатга олинган).

IV. REVISION HISTORY OF DOCUMENT VERSION / ҲУЖЖАТНИНГ ТАҲРИРИ

Version / Таҳрир	Preparation date / Тайёрланган сана	Summary of Key changes / Асосий ўзгартиришлар
ICD/9.0.-2020	06.03.2020	New Policy / Янги сиёсат
Version / Таҳрир	Revised date / Ўзгартирилган сана	Summary of Key changes / Асосий ўзгартиришлар
COMP/9.1.-2023	07.09.2023	Department name and document owner, changed.
Version / Таҳрир	Revised date / Ўзгартирилган сана	Summary of Key changes / Асосий ўзгартиришлар
COMP/9.2.-2025	25.04.2025	The ABC Part of Compliance Department merged with Sanctions Part

Table of Contents / Mundarija

1. PURPOSE OF THE DOCUMENT	5
1. ХУЖЖАТНИНГ МАҚСАДИ	5
2. POLICY OBJECTIVES	5
2. СИЁСАТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.....	5
3. SCOPE AND RESPONSIBILITY	6
3. ҚўЛЛАНИЛИШИ ВА ЖАВОБГАРЛИК КўЛАМИ.....	6
4. APPLICABLE ANTI-CORRUPTION LEGISLATION.....	7
4. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҚОНУНЧИЛИГИ ҚўЛЛАНИЛИШИ.....	7
5. KEY PRINCIPLES	9
5. АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАР	9
6. GIFTS AND REPRESENTATIVE COSTS.....	11
6. СОВҒАЛАР ВА ВАКИЛЛИК ХАРАЖАТЛАРИ.....	11
7. PARTICIPATION IN CHARITY AND SPONSORSHIP	12
7. ХАЙРИЯ ВА ҲОМИЙЛИҚДА ИШТИРОК ЭТИШ	12
8. PARTICIPATION IN POLITICAL ACTIVITY	12
8. СИЁСИЙ ФАОЛИЯТДА ИШТИРОК ЭТИШ	12
9. INTERACTION WITH STATE OFFICERS	13
9. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР	13
10. INTERACTION WITH EMPLOYEES	13
10. ХОДИМЛАР БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР	13
11. BRANCHES, COUNTERPARTIES	14
11. ФИЛИАЛЛАР, КОНТРАГЕНТЛАР	14
12. PAYMENTS THROUGH INTERMEDIARIES OR IN BEHALF OF THIRD PARTIES	14
12. ВОСИТАЧИЛАР ОРҚАЛИ ЁКИ УЧИНЧИ ШАХСЛАР ФОЙДАСИГА ТўЛОВЛАР	14
13. KEEPING ACCOUNTING BOOKS AND RECORDS	15
13. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ КИТОБЛАРИ ВА ЁЗУВЛАРИНИ ЮРИТИШ	15
14. REFUSAL OF RESPONSE AND SANCTIONS.....	15
14. ЖАВОБ ЧОРАЛАРИ ВА САНКЦИЯЛАРДАН ВОЗ КЕЧИШ	15
15. AUDIT AND CONTROL.....	16
15. АУДИТ ВА НАЗОРАТ	16

1. PURPOSE OF THE DOCUMENT

1.1. This Anti-corruption Policy (hereinafter - the "Policy") is the basic document of KDB Bank Uzbekistan JSC (hereinafter referred to as the "Bank") defining key principles and requirements aimed at combatting corruption and complying with applicable anti-corruption laws by Bank, its branches, members of its management bodies, employees and other persons who may act on behalf of the Bank.

1.2. The policy is developed in accordance with Law "On Combatting Corruption", Law "On Banks and Banking Activity", the Charter of the Bank, and other internal documents of the Bank.

2. POLICY OBJECTIVES

2.1. The policy reflects the commitment of the Bank and its management to high ethical standards of conducting an open and honest business to improve the corporate culture, follow the best corporate governance practices and maintain the business reputation of the Bank and its branches at the proper level.

2.2. The bank's aims:

- To minimize the risk of involving the Bank, chairman and members of the Board, and employees of the Bank, regardless of their position (hereinafter

1. ХУЖЖАТНИНГ МАҚСАДИ

1.1. Ушбу коррупцияга қарши курашиш сиёсати (кейинги ўринларда - Сиёсат) "ҚДБ Банк Ўзбекистон" АЖнинг (кейинги ўринларда - Банк) асосий ҳужжати ҳисобланади ва Банк, унинг филиаллари, бошқарув органларининг аъзолари, ходимлари ва Банк номидан иш кўриши мумкин бўлган бошқа шахслар томонидан коррупцияни олдини олишга, амалдаги коррупцияга қарши курашиш қонунларига риоя қилишга қаратилган асосий бошқарув принциплари ва талабларини белгилайди.

1.2. Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги ҳамда "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунлари, Банк устави ва банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. СИЁСАТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Ушбу Сиёсат Банкнинг ва Банк раҳбариятининг очиқ, ҳалол ва бизнесни юритишнинг юқори ахлоқий меъёрларига амал қилишини акс эттиради, корпоратив маданиятни яхшилаш, янги яхши корпоратив амалиётига риоя қилиш, банк ва унинг филиалларининг обрўсини керакли даражада ушлаб туришга хизмат қилади.

2.2. Банк мақсадлари:

- Банк, бошқарув раиси ва аъзолари ва банк ходимлари уларнинг лавозимларидан қатъий назар (бундан буён матнда «ишчилар») коррупция

collectively, the “Employees”) in corruption activities;

- To form a uniform understanding of the Bank's policy on rejection of corruption in any form and manifestation among shareholders, the investment community, counterparties, Employees, branches, their members of management bodies, employees and other persons;

- To establish the obligation of the Bank Employees to know and comply with the principles and requirements of this Policy, the key norms of applicable anti-corruption legislation, as well as adequate procedures to combat corruption.

- Summarize and clarify the basic requirements of anti-corruption legislation that may apply to the Bank and its branches.

фаолиятига жалб қилиниш хавфини камайтириш;

- Акциядорлар, инвестицион ҳамжамият, контрагентлар, ишчилар, филиаллар, уларнинг бошқарув органлари аъзолари, ходимлар ва бошқа шахслар ўртасида ҳар қандай шаклда ва маънода Банкнинг коррупцияга қарши сиёсати тўғрисида ягона тушунчани шакллантириш;

- Банк ва ходимларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган коррупцияга қарши қонунчиликнинг асосий талабларини ва тамойиллари, амалдаги коррупцияга қарши қонун ҳужжатларининг асосий нормаларини, шунингдек коррупцияни олдини олиш учун тегишли тартибларни билиш ва уларга риоя қилиш мажбуриятини белгилаш;

- Банк ва унинг филиалларига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган коррупцияга қарши қонунчиликнинг асосий талабларини умумлаштириш ва аниқлаштириш.

3. SCOPE AND RESPONSIBILITY

3.1. All Bank Employees must be guided by this Policy and strictly observe its principles and requirements.

3.2. The Chairman of the Management Board of the Bank is responsible for organizing all activities aimed at implementing the principles and requirements of this Policy, including the appointment of persons responsible for the development of anti-corruption procedures, their implementation and monitoring.

3. ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА ЖАВОБГАРЛИК КЎЛАМИ

3.1. Банкнинг барча ходимлари ушбу Сиёсатга амал қилишлари ва унинг тамойиллари ва талабларига қатъий риоя қилишлари шарт.

3.2. Банкнинг Бошқарув Раиси ушбу сиёсатнинг тамойилларини амалга оширишга қаратилган барча тадбирларни, шу жумладан коррупцияга қарши процедураларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш ва мониторингини олиб бориши учун масъул шахсларни тайинлаш учун жавобгардир.

3.3. The principles and requirements of this Policy apply to counterparties and representatives of the Bank, to branches, their members of governing bodies and employees, as well as other persons, in cases where the corresponding obligations are fixed in agreements with them, in their internal documents, or directly follow from the law.

3.3. Ушбу сиёсатнинг тамойиллари ва талаблари Банкнинг мижозлари ва вакилларига, филилларига, уларнинг бошқарув органлари аъзоларига ва ходимларига, шунингдек бошқа шахслар билан тузилган шартномаларда, уларнинг ички ҳужжатларида ёки бевосита қонундан келиб чиқадиган тегишли мажбуриятларга нисбатан қўлланилади.

4. APPLICABLE ANTI-CORRUPTION LEGISLATION

4. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҚОНУНЧИЛИГИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

4.1. Anti-corruption legislation: The Bank and all Employees must comply with the anti-corruption laws established by, among other things, the Criminal Code, the Code on Administrative Responsibility, the Law on Combating Corruption and other regulations, the main requirements of which are the prohibition of bribery, and prohibition of mediation in bribery.

4.1. Коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари: Банк ва барча ходимлар, Жиноят кодекси, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс, Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ва бошқа қоидалар билан белгиланган коррупцияга қарши қонунларга риоя қилишлари керак, уларнинг асосий талаблари пора олиш ва беришни ва пора олишда воситачиликни тақиқлаш ва бошқалар.

4.2. The Bank and all Employees must comply with the provisions of the anti-corruption legislation, the basic requirements of which are formulated as:

4.2. Банк ва барча ходимлар асосий талаблари қуйидагича шакллантирилган коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунга риоя қилишлари керак:

4.2.1. Prohibition of giving bribes, i.e. providing or promising to provide any financial or other benefit / advantage with the intent to induce any person to perform his official duties inappropriately;

4.2.1. Пора беришни тақиқлаш, яъни бирон-бир шахсни ўз хизмат вазифаларини номувофиқ тарзда бажаришга ундаш мақсадида молиявий ёки бошқа манфаатлар/имтиёзлар бериш ёки ваъда қилиш.

4.2.2. Prohibition of receiving bribes, i.e. obtaining or consenting to receive any financial or other benefit / advantage for the performance of their duties inappropriately;

4.2.2 Пора олишни тақиқлаш, яъни уз вазифаларини номувофиқ тарзда бажарганлик учун ҳар қандай молиявий ёки бошқа манфаат/имтиёз олиш ёки олишга рози бўлиш.

4.2.3. Prohibition of bribery of foreign public servants, i.e. providing or promising to provide (directly or through third parties) to a foreign public servant any financial or other benefit / advantage in order to influence the performance of his official duties, to obtain / retain a business or to provide competitive or other advantages for a commercial organization;

4.2.4. Prohibition of connivance to bribery, i.e. the absence in the commercial organization of adequate procedures aimed at preventing the giving or receiving of bribes by persons associated with such an organization in order to acquire or maintain a business, to ensure commercial and competitive advantages.

4.3. "Corruption actions", as a rule, are considered to be giving or receiving bribes, mediation in giving or receiving bribes, abuse of official position or authority, commercial bribery, payments to simplify formalities, illegal use by an official of his position to receive benefits in the form of money, valuables , other property, services, any rights for themselves or for other persons, or the unlawful provision of benefits or rights to this person by other persons.

4.4. Subject to the foregoing, it is strictly forbidden to all Bank Employees, directly or indirectly, personally or through third parties, to participate in corruption actions, offer, give, promise, ask and receive bribes or make payments to simplify

4.2.3. Хорижий давлат хизматчиларининг пора олишини тақиқлаш, яъни ўз хизмат вазифаларини бажаришига таъсир кўрсатиш, тижорат ташкилоти учун бизнесни қўлга киритиш, сақлаб қолиш ёки рақобатдош бошқа устунликларни таъминлаш мақсадида хорижий давлат хизматчисига ҳар қандай молиявий ёки бошқа имтиёзлар, устунликлар бериш ёки ваъда қилиш.

4.2.4. Пора олиш ёки беришга бепарволикни тақиқлаш, яъни тижорат ташкилотида бизнес юритиш ёки уни бошқариш, тижорат ва рақобатдош устунликларни таъминлаш мақсадида бундай ташкилот билан боғлиқ шахслар томонидан пора бериш ёки олишнинг олдини олишга қаратилган тегишли тартибларнинг мавжуд эмаслиги.

4.3. "Коррупция ҳаракатлари", қоида тариқасида, пора бериш ёки олиш, пора бериш ёки олишда воситачилик қилиш, мансаб мавқеини ёки ваколатларини суиистеъмол қилиш, тижорат порахўрлиги, расмиятчиликни соддалаштириш учун тўловлар, мансабдор шахснинг ўз лавозимидан пул, қимматбаҳо буюмлар кўринишидаги имтиёзлардан ноқонуний фойдаланиши ҳисобланади. Бошқа мол-мулк, хизматлар, ўзлари ёки бошқа шахслар учун ҳар қандай ҳуқуқлар, ёки бошқа шахсларнинг ушбу шахсга ноқонуний равишда имтиёзлар ёки ҳуқуқлар бериши.

4.4. Юқорида айтилганидек, Банкнинг барча ходимларига тўғридан-тўғри ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали коррупция ҳаракатларида иштирок этиш, пора таклиф қилиш, бериш, ваъда бериш, сўраш ва олиш

administrative, bureaucratic and other formalities in any form, in including in the form of cash, valuables, services or other benefits, to any persons and from any persons or organizations, including commercial organizations, government and self-government bodies, private companies and their representatives.

ёки ҳар қандай шаклда маъмурий, бюрократик ва бошқа расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни амалга ошириш қатъий ман этилади. Шу жумладан, ҳар қандай шахсларга ёки ташкилотларга, шу жумладан тижорат ташкилотлари, давлат ва ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий корхоналар ва уларнинг вакилларига берилган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, хизматлар ёки бошқа имтиёзлар.

4.5. The Bank and its Employees must comply with anti-corruption laws, as well as the principles and requirements of the Policy, in any country in the world.

4.5. Банк ва унинг ходимлари дунёнинг исталган мамлакатада коррупцияга қарши қонунларга, шунингдек сиёсат тамойиллари ва талабларига риоя қилишлари шарт.

5. KEY PRINCIPLES

5. АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАР

5.1. Top management's mission

The Bank enshrines the principle of non-acceptance of corruption in all forms and manifestations (the principle of “zero tolerance”) in carrying out daily activities and strategic projects, including in cooperation with shareholders, investors, contractors, representatives of government, self-governing organizations, political parties, and its Employees, branches, their members of governing bodies, employees and other persons.

5.1. Раҳбариятнинг вазифаси

Банк ҳар кунги фаолият ва стратегик лойиҳаларни амалга оширишда, шу жумладан акционерлар, инвесторлар, ҳукумат, ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва унинг ходимлари билан, филиаллар, уларнинг бошқарув аъзолари, ходимлари ва бошқа шахслар билан ҳамкорликда ҳар қандай шакл ва кўринишдаги коррупцияни қабул қилмаслик принципини (муросасизлик тамойили) мустаҳкамлаб қўйган.

5.2. Periodic Risk Assessment

The Bank identifies and periodically updates indicators of corruption risks specific to its activities and potentially vulnerable business processes.

5.2. Хавфларни даврий баҳолаш

Банк ўзининг фаолияти ва потенциал заиф бизнес-жараёнларига хос бўлган коррупция ҳавфи кўрсаткичларини аниқлайди ва вақти-вақти билан янгиланиб туради.

5.3. Adequate anti-corruption procedures

5.3. Коррупцияга қарши етарли тартиб-қоидалар

The Bank develops and implements adequate corruption prevention procedures that reasonably meet the identified risks and monitors their compliance.

Банк аниқланган хавф-хатарларни оқилона қондирадиган ва уларнинг бажарилишини назорат қилувчи коррупция олдини олиш бўйича тегишли тартибларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

5.4. Counterparty verification

The Bank makes reasonable efforts to minimize the risk of business relations with counterparties that may be involved in corruption activities, which assess the counterparty's tolerance for bribery, including verifying that they have their own anti-corruption procedures or policies, their readiness to comply with the requirements of this Policy and, may include anti-corruption clauses in contracts, as well as provide mutual assistance for the ethical conduct of business and combatting corruption.

5.4. Контрагентни текшириш

Банк контрагентнинг порахўрликка бўлган муносабатини баҳолайдиган коррупция билан боғлиқ бўлган контрагентлар билан бизнес алоқалари хавфини минималлаштириш учун оқилона саъй-ҳаракатларни амалга оширади, шу жумладан ўзларининг коррупцияга қарши процедуралари ёки сиёсатлари мавжудлигини, ушбу сиёсат ва талабларга риоя қилишга тайёрлигини тасдиқлайди. Банк шартномаларга коррупцияга қарши моддаларни киритиш билан биргаликда бизнесни ахлокий юритиш ва коррупциянинг олдини олиш учун ўзаро ёрдам беришни белгилайди.

5.5. Information and training

The Bank places this Policy in the public domain on the corporate Internet, openly declares anti-corruption, welcomes and encourages compliance with the principles and requirements of this Policy by all counterparties, its Employees, branches, their members of management bodies, employees and other persons, and promotes level of anti-corruption culture through information and training.

5.5. Ахборот ва ўқитиш

Банк ушбу Сиёсатни корпоратив Интернетда очиқ маълумот сифатида жойлаштиради, коррупцияга қарши курашни очиқ эълон қилади, барча контрагентлар, унинг ходимлари, филиаллар, уларнинг бошқарув органлари аъзолари, ишчилари ва бошқа шахслар томонидан ушбу сиёсатнинг тамойиллари ва талабларини қўллаб-қувватлайди ва рағбатлантиради, ахборот ва ўқитиш орқали коррупцияга қарши маданият даражасини илгари суради.

5.6. Monitoring and control

The Bank monitors the implementation of adequate procedures to combat corruption, monitors compliance and, if necessary, improves them.

5.6. Мониторинг ва назорат

Банк коррупциянинг олдини олиш учун тегишли тартибларнинг бажарилишини назорат қилади, уларга риоя қилади ва керак бўлганда уларни яхшилади.

6. GIFTS AND REPRESENTATIVE COSTS

6.1. Gifts and hospitality expenses, including business hospitality, which the Employees on behalf of the Bank can provide to other persons and organizations, or which the Employees, in connection with their work at the Bank, can receive from other persons and organizations, must comply with the set of five indicated below criteria:

- be directly related to the legitimate goals of the Bank, for example, with the presentation or completion of business projects, holding conferences, successfully executing contracts, or with generally accepted holidays such as New Year and International Women's Day, observances, anniversaries;
- be reasonably grounded, proportionate and not luxurious;
- not constitute hidden remuneration for a service, action, inaction, connivance, patronage, granting rights, making a specific decision on a transaction, agreement, license, permit, etc. or an attempt to influence the recipient for any other illegal or unethical purpose;
- Do not create reputational risk for the Bank, Employees and other persons in the event of disclosure of information about gifts or hospitality expenses;

6. СОВҒАЛАР ВА ВАКИЛЛИК ХАРАЖАТЛАРИ

6.1. Ходимлар Банк номидан бошқа шахслар ва ташкилотларга бера оладиган ёки ходимлар Банкда ишлашлари муносабати билан бошқа шахслар ва ташкилотлардан оладиган совғалар ва меҳмондўстлик харажатлари қуйидаги кўрсатилган бешта мезонга мувофиқ бўлиши керак. Мезонлар:

- Банкнинг қонуний мақсадлари билан, масалан бизнес лойиҳаларни тақдим этиш ёки тугатиш, конференциялар ўтказиш, шартномаларни муваффақиятли бажариш ёки Янги йил ва Халқаро хотин-қизлар куни, байрамлар, юбилейлар каби умумий қабул қилинган байрамлар билан бевосита боғлиқ бўлиши;
- асосланган, мутаносиб ва ортиқча ҳашаматсиз бўлиши;
- хизмат, ҳаракат, ҳаракатсизлик, яширинлик, ҳомийлик, ҳуқуқларни бериш, битим, лицензия, рухсатнома ва бошқалар бўйича аниқ қарор қабул қилиш учун яширин мукофотни ташкил этмаслиги, ёки қабул қилувчига бошқа ҳар қандай ноқонуний ёки ахлоқсиз мақсадларда таъсир ўтказишга уринишни назарда тутмаслиги.
- Совғалар ёки меҳмондўстлик харажатлари тўғрисида маълумот ошкор қилинган тақдирда, Банк ходимлари ва бошқа шахслар обрўсига путур етказиш хавфини тугдирмаслиги;

- not contradict the principles and requirements of this Policy, the Code of Conduct, other internal documents of the Bank and the norms of applicable law.

- Ушбу сиёсат тамойил ва талабларига, иш ахлоқи қоидалари, Банкнинг бошқа ички ҳужжатлари ва амалдаги қонун меъёрлари ва талабларига зид бўлмаслиги керак.

6.2. Gifts in the form of souvenir products (low-cost products) with Bank symbols provided at exhibitions, open presentations, forums and other representative and marketing events in which the Bank officially participates are allowed and considered as image materials.

6.2. Банкнинг рамзи туширилган совғалар (арзон нархлардаги маҳсулотлар), кўргазмаларда, очик тақдимотларда, форумларда ва банк расмий равишда иштирок этадиган вакиллик ва маркетинг тадбирларида тақдим этилади ва имиж материаллари сифатида қабул қилинади.

6.3. Gifts on behalf of the Bank, its Employees and representatives to third parties in the form of cash or non-cash, in any currency are not allowed.

6.3. Банк, унинг ходимлари ва вакиллари номидан учинчи шахсларга ҳар қандай валютада нақд, ёки нақд бўлмаган шаклда совғалар беришга йўл қўйилмайди.

7. PARTICIPATION IN CHARITY AND SPONSORSHIP

7. ХАЙРИЯ ВА ҲОМИЙЛИҚДА ИШТИРОК ЭТИШ

7.1. The Bank does not finance charity and sponsorship projects in order to obtain commercial advantages in specific projects of the Bank and its branches.

7.1. Банкнинг ва унинг филиалларининг маълум лойиҳаларида тижорат устунлигини қўлга киритиш учун хайрия ва ҳомийлик лойиҳаларини молиялаштирмайди.

7.2. Information on charity and sponsorship activities is published on the Bank's website on the Internet, in the Social Report or otherwise disclosed.

7.2. Хайрия ва ҳомийлик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар банкнинг веб-сайтида ёки бошқа ҳисоботларда эълон қилинади.

8. PARTICIPATION IN POLITICAL ACTIVITY

8. СИЁСИЙ ФАОЛИЯТДА ИШТИРОК ЭТИШ

8.1. The Bank does not finance political parties, organizations and movements in order to obtain commercial advantages in specific projects of the Bank and its branches.

8.1. Банк ва унинг филиалларининг маълум лойиҳаларида тижорат афзалликларига эришиш учун сиёсий партиялар, ташкилотлар, ва ҳаракатларни молиялаштирмайди.

9. INTERACTION WITH STATE OFFICERS

9.1. The Bank refrains from paying any expenses for public servants and their close relatives (or in their interests) in order to obtain commercial advantages in specific projects of the Bank and its branches, including expenses for transportation, accommodation, food, entertainment, PR campaigns, or their receipt at the expense of the Bank.

9. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР

9.1. Банк давлат хизматчилари ва уларнинг яқин қариндошларига (ёки уларнинг манфаатларига) Банкнинг ва унинг филиаллари маълум лойиҳаларида тижорат афзалликларига эришиш учун ҳар қандай харажатларни тўлашдан, шу жумладан транспорт, турар жой, овқатланиш, ўйин-кулги, PR-кампаниялар ва бошқалар учун харажатлар, ёки банк ҳисобидан бошқа имтиёзларни олишдан бош тортади.

10. INTERACTION WITH EMPLOYEES

10.1. The Bank requires its Employees to comply with this Policy, informing them of the key principles, requirements and sanctions for violations.

10.2. As part of the formation of an appropriate level of anti-corruption culture in the Bank, periodical information seminars are held for the Employees in person and / or distance learning, as well as introductory training on the provisions of this Policy and related documents for all new Employees of the Bank.

10.3. Compliance with the principles and requirements of this Policy by Bank employees is taken into account when forming a personnel reserve for promotion to higher posts, as well as when imposing disciplinary sanctions.

10. ХОДИМЛАР БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР

10.1. Банк ўз ходимларидан асосий қоидалар, талаблар ва санкцияларни бузиш тўғрисида хабардор қилиб, ушбу сиёсатга риоя қилишларини талаб қилади.

10.2 Банкда коррупцияга қарши маданиятнинг тегишли даражасини шакллантириш доирасида ходимлар учун вақти-вақти билан шахсан ва/ёки масофадан ўқитиш бўйича семинарлар, шунингдек банкнинг барча янги ишчилари учун ушбу сиёсат қоидалари ва тегишли ҳужжатлар бўйича танишув машғулоти ўтказилади.

10.3. Банк ходимлари томонидан ушбу сиёсатнинг принциплари ва талабларига риоя қилиниши юқори лавозимларга кўтарилиш учун кадрлар заҳирасини шакллантиришда,

шунингдек интизомий жазо чораларини қўллашда ҳисобга олинади.

11. BRANCHES, COUNTERPARTIES

11.1. The Bank, within its competence, initiates the implementation of its own anti-corruption policies in the branches, similar to this Policy, and makes reasonable efforts to ensure that the fundamental principles and requirements of this Policy are respected in the joint ventures, companies and associations where the Bank is involved, as well as its counterparties.

11. ФИЛИАЛЛАР, КОНТРАГЕНТЛАР

11.1. Банк, ўз ваколати доирасида ушбу Сиёсатга, филиалларида ўзининг коррупцияга қарши сиёсатини амалга ошириш ташаббускори бўлиб, ушбу сиёсатнинг асосий принциплари ва талаблари банк ва унинг филиаллари ҳамда контрагентлари томонидан риоя қилинишини таъминлаш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширади.

12. PAYMENTS THROUGH INTERMEDIARIES OR IN BEHALF OF THIRD PARTIES

12.1. The Bank and its Employees are prohibited from attracting or using intermediaries, partners, agents, joint ventures or other persons to perform any actions that are contrary to the principles and requirements of this Policy or the norms of applicable anti-corruption legislation.

12.2. The Bank ensures that there are procedures to verify intermediaries, partners, agents, joint ventures and other persons to prevent and / or identify the violations described above in order to minimize and eliminate the risks of involving the Bank in corruption.

12. ВОСИТАЧИЛАР ОРҚАЛИ ЁКИ УЧИНЧИ ШАХСЛАР ФОЙДАСИГА ТЎЛОВЛАР

12.1. Банк ва унинг ходимларига ушбу сиёсат тамойиллари ва талабаларига ёки амалдаги коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари қоидаларига зид бўлган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачилар, шериклар, агентлар, қўшма корхоналар ёки бошқа шахсларни жалб қилиш ёки улардан фойдаланиш тақиқланади.

12.2. Банк воситачиларни, шерикларни, агентларни, қўшма корхоналарни ва бошқа шахсларни банкни коррупцияга жалб қилиш хавфини минималлаштириш ва йўқ қилиш мақсадида юқорида тавсифланган қоидабузарликларни олдини олиш ёки аниқлаш учун текшириш тартибини таъминлайди.

13. KEEPING ACCOUNTING BOOKS AND RECORDS

13.1. All financial transactions must be accurately, correctly and with a sufficient level of detail reflected in the accounting of the Bank, documented and available for verification.

13.2. The Bank has appointed employees who are personally responsible for the preparation and provision of full and reliable financial statements within the time periods established by applicable law.

13.3. Misrepresentation or falsification of the Bank's financial statements is strictly prohibited and is regarded as fraud.

14. REFUSAL OF RESPONSE AND SANCTIONS

14.1. The Bank declares that no Employee will be subjected to sanctions (including dismissed, demoted, deprived of a bonus) if he reported an alleged fact of corruption, or if he refused to give or receive a bribe, commit commercial bribery or mediate bribery, including if, as a result of such a refusal, the Bank and its branches received lost profits or did not receive commercial and competitive advantages.

13. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ КИТОБЛАРИ ВА ЁЗУВЛАРИНИ ЮРИТИШ

13.1. Барча молиявий операциялар аниқ, тўғри ва етарли даражада батафсил равишда Банкнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган, ҳужжатлаштирилган ва текшириш учун мавжуд бўлиши керак.

13.2. Банк амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тўлиқ ва ишончли молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун шахсан жавобгар бўлган ходимларни тайинлайди.

13.3. Банкнинг молиявий ҳисоботларни нотўғри тақдим этиш ёки сохталаштириш қатъиян ман этилади ва фирибгарлик деб ҳисобланади.

14. ЖАВОБ ЧОРАЛАРИ ВА САНКЦИЯЛАРДАН ВОЗ КЕЧИШ

14.1. Банкнинг бирор бир ходими, коррупция фактини маълум қилган бўлса ёки пора бериш-олишдан бош тортса, ёки воситачилик қилмаса, бундай ходим жазога тортилмаслигини қайд этади (шу жумладан, ишдан бўшатилиш, мукофотдан маҳрум қилиниш ва ҳ.к.), шу жумладан агар бундай рад этиш натижасида Банк ва унинг филиаллари фойда олмаган бўлса ёки тижорат ва рақобатдош устунликларни қўлга киритмаган тақдирда ҳам.

15. AUDIT AND CONTROL

15.1. The Bank regularly conducts internal audits of financial and economic activities, monitors the completeness and accuracy of data reflection in accounting and compliance with applicable laws and internal regulatory documents of the Bank, including the principles and requirements established by this Policy.

15.2. As part of the internal control procedures, the Bank carries out checks on the implementation of key business processes, including spot checks on the legality of payments made, their economic feasibility, appropriateness of expenses, including confirmation of primary accounting documents and compliance with the requirements of this Policy.

15. АУДИТ ВА НАЗОРАТ

15.1. Банк мунтазам равишда молиявий-хўжалик фаолияти ички аудитини ўтказилиши, бухгалтерия ҳисобида маълумотларнинг тўлиқлигини, амалдаги қонунлар ва Банкнинг ички норматив ҳужжатларига, шу жумладан ушбу Сиёсатда берилган таъйинлар ва талабларга мувофиқлигини назорат қилади.

15.2. Ички назорат процедураларининг бир қисми сифатида Банк асосий бизнес-жараёнларнинг амалга оширилишини, шу жумладан амалга оширилган тўловларнинг қонунийлигини, иқтисодий мақсадга мувофиқлигини, ҳаражатларнинг мақсадга мувофиқлигини, шу жумладан дастлабки бухгалтерия ҳужжатларини тасдиқланганлиги ва Сиёсат талабларига мувофиқлигини текширади.

LEGAL OPINION

YURIDIK XULOSA

Legal review carried out by Yuridik ekspertiza o'tkazdi	Legal department / Yuridik boshqarma
The title of the Internal Act subject to legal review Yuridik ekspertiza o'tkazil- gan ichki me'yoriy hujjat nomi	<i>Anti-Corruption Policy</i> <i>Korrupsiyaga qarshi kurashish Siyosati</i>
Legal acts applied in the process of legal review	1. Law "On banks and banking activity" (New edition) / "Banklar va bank faoliyati to'g'risida"gi Qonun (Yangi tahrir); 2. Law "On counteraction against corruption" / "Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risida"gi Qonun; 3. Law "On joint-stock companies and protection of shareholders' rights" / Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida"gi Qonun; 4. Regulation "On requirements of the Central Bank on internal rules of commercial banks" registered by Ministry of Justice #916 dd 05.04.2000 / "Markaziy bank tomonidan tijorat banklarining ichki qoidalariga qo'yiladigan talablar to'g'risida"gi Nizom (Adliya vazirligi tomonidan 05.04.2000 y. 916-son bilan ro'yxatga olingan); 5. Regulation "On corporate management in commercial banks" registered by Ministry of Justice #3254 dd 30.06.2020 / "Tijorat banklarida korporativ boshqaruv to'g'risida"gi Nizom (Adliya vazirligi tomonidan 30.06.2020 y. 3254-son bilan ro'yxatga olingan).
Yuridik ekspertiza jarayonida qo'llanilgan normativ-huquqiy hujjatlar	

This document sets out *Anti-Corruption Policy* of the Bank.

Current project of the internal act is in compliance with the applicable laws of the Republic of Uzbekistan, decrees and resolutions of the President of the Republic of Uzbekistan, resolutions of the Cabinet of Ministers, legal and regulatory instruments of the Central Bank as well as Regulation "On requirements of the Central Bank on internal rules of commercial banks" registered by Ministry of Justice under #916 dd 05.04.2000 and the requirements of the Bank's Charter.

Mazkur hujjat Bankning *Korrupsiyaga qarshi kurashish Siyosatini* belgilab beradi.

Ushbu loyiha O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari va qarorlari, Vazirlar Mahkamasining qarorlari, Markaziy bankning normativ-huquqiy hujjatlari, shu jumladan Adliya vazirligi tomonidan 05.04.2000 y. 916-son bilan ro'yhatga olingan "Markaziy bank tomonidan tijorat banklarining ichki qoidalariga qo'yiladigan talablar to'g'risida"gi Nizomda belgilangan ichki qoidalarga qo'yiladigan talablarga hamda Bank Ustavining talablariga muvofiq keladi.

Sanjar Rasulov
Senior legal adviser / Bosh yuriskonsult
Legal Department / Yuridik boshqarma
“KDB Bank Uzbekistan” JSC /
“KDB Bank O‘zbekiston” AJ



Agree with legal opinion / Yuridik xulosaga qo‘shilaman

Bunyod Islomov
Head / Boshqarma boshlig‘i
Legal Department / Yuridik boshqarma
“KDB Bank Uzbekistan” JSC /
“KDB Bank O‘zbekiston” AJ



2025 MY uchun "KDB Bank O'zbekiston" AJ
Kuzatuv kengashining 2-sonli majlisi Bayonnomasidan
KO'CHIRMA

Majlis o'tkazilgan joy:

Majlis o'tkazilgan sana:
Bayonnoma tuzilgan sana:
Majlis o'tkazish shakli:

"KDB Bank O'zbekiston" AJ Bosh ofisi
Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 3 uy,
2025-yil 25-aprel
2025-yil 25-aprel
Sirtidan ovoz berish yo'li bilan

Bank Kuzatuv kengashi a'zolari:

J-b Seo In Won - Global biznes departamenti Bosh menejeri, Koreya Taraqqiyot Banki;

J-b Lee Yeon Sung - mustaqil a'zo;

J-b Park Hyung Kyoo - mustaqil a'zo;

J-b Li Dong Won - Toshkent shahridagi Inxa universiteti professori (mustaqil a'zo);

J-b Zaynutdinov Xurshid - "NBU INVEST GROUP" AJ (O'zmilliybank), Boshqaruv raisi o'rinbosari.

Bayonnoma yurituvchi: J-b Rasulov Sanjar, Yuridik boshqarma bosh yuriskonsulti, "KDB Bank O'zbekiston" AJ.

Kvorum – 100%.

Bank Kengashi majlisining kun tartibi:

11-masala: Bankning ichki qoidalarini tasdiqlash

...

Ovoz berish natijalariga ko'ra Kuzatuv kengashi bir ovozdan qaror qiladi:

- Bankning ichki qoidalarini, shu jumladan Xodimlar bilan ishlash va odob-ahloq siyosati, Tavakkalchiliklarni boshqarish siyosati, Tavakkalchiliklarni boshqarish boshqarmasi nizomi, Operatsion bardoshlilikni ta'minlash tartibi, Kredit siyosati, Korruptsiyaga qarshi kurashish siyosati, Manfaatlarni to'qnashuvining oldini olish va boshqarish siyosati, "KDB Bank O'zbekiston" aksiyadorlik jamiyatining Korruptsiyani oldini olish bo'yicha komissiyasi to'g'risidagi nizom, Komplayens boshqarmasining nizomi, Komplayens qo'mitasi to'g'risidagi nizom, Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish va sanksiyalar bo'yicha siyosat tasdiqlansin.

Imzolar:

J-b Seo In Won

J-b Rasulov Sanjar

Rasulov Sanjar

Yuridik boshqarma bosh yuriskonsulti

Ko'chirma asliga to'g'ri tuzilgan

Ko'chirma tuzilgan sana: 2025-yil 7-may